



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 16 » mart

№ 157

Toshkent sh.

Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида кўп қаватли уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, дам олиш масканлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма, ишлаб чиқариш обьектлари қурилиши бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, уй-жойлар қурилиши, автотранспорт воситалари сонининг кўпайиб бориши, автобус йўналишлари самарасизлиги ва бир-бирини тақрорлаши шаҳар йўловчи ташиш транспортида юкламалар номутаносиблигини, аҳоли учун ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларга транспортда сифатли хизматлар кўрсатиш, транспортга бўлган талабни ўсиб бориши натижасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва Тошкент шаҳри йўловчи транспорти тизимини ўзаро интеграциялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. 2020 йил I чорак якунига қадар Тошкент шаҳрида метронинг Юнусобод метро йўналишининг II босқичи (2,9 км), ер усти ҳалқа метро йўналишининг I босқичи (11,5 км) ҳамда 2020 йил якунига қадар Сергели йўналишининг I босқичи (5,8 км) фойдаланишга топширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги 948-сон қарорига мувофиқ умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташиш учун йўлкира хақи тўлашнинг автоматлаштирилган тизими 2020 йил 1 январдан бошлаб жорий этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2020 йилда Тошкент шаҳрида 152 та йўловчи ташиш транспорт йўналишларини қайта кўриб чиқиш натижасида 131 тасини оптималлаштириш, 14 тасини ёпиш ҳамда 7 та янги йўналишларни очиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

ташиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда тендер шартномалариға ўзгартыриш киритиш асосида улар томонидан хизмат күрсатилаётган шаҳар йўловчи ташиш йўналишларини мақбуллаштириш ва ёпиш амалга оширилади;

Тошкент шаҳар ҳокими, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ раҳбарияти ва туман ҳокимлари транспорт-ўтказгич боғламаларини қуриш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга ҳамда шаҳар йўловчи ташиш йўналишларини ўзгариши бўйича аҳолини мунтазам равишда хабардор қилишга шахсан масъулдирлар.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Тошкент метрополитенининг қурилаётган янги йўналишлари ва шаҳар йўловчи транспортининг мақбуллаштирилган тармоғи имкониятлари ва афзалликлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

транспорт-ўтказгич боғламаларини қуриш ишлари яқунлангандан сўнг ўрнатилган тартибда обьектларни “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга ўтказилишини;

икки ҳафта муддатда қурилиши режалаштирилган транспорт-ўтказгич боғламалари жойлашадиган ҳудудда обьектни фойдаланишга топшириш муддати, унга боғланадиган йўналишлар, иш вақти ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотлар қайд этилган стендлар ўрнатилишини;

2020 йил 1 майга қадар барча турдаги шаҳар йўловчи транспортида фойдаланиладиган ягона йўл чиптасини жорий этишни таъминласин.

6. Куйидагилар:

аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида шаҳар йўловчи транспорти турларини ўзаро боғлоқлигини таъминлашни назарда тутувчи 2020 йилда Тошкент шаҳрида транспорт-ўтказгич боғламаларини қуриш режа-графиги 1-иловага мувофиқ;

самарасиз ва бир-бирини такрорлайдиган автобус йўналишларини мақбуллаштириш, пойтахт аҳолисига ҳамда меҳмонларга йўловчи ташиш транспортида сифатли хизматлар кўрсатиш ва талабларни қондиришни назарда тутувчи Тошкент шаҳрининг жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини оширишга қаратилган тадбирлар натижасида самарадорлик мезонларини белгилашни назарда тутувчи Тошкент шаҳри жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурининг мақсадли параметрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 октябрға қадар Тошкент шаҳрининг Фарғона йўли кўчасида тезкор автобус ҳаракати қатновини ташкил этиш мақсадида махсус қатнов йўлагини (BRT) тажриба лойиҳа тариқасида амалга ошириш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан 20 та замонавий электробуслар ва қувватлаш ускуналарини харид қилишни;

б) 2020 йил 1 сентябрға қадар жамоат транспортида йўналишни режалаштирувчи “Менинг йўналишим” электрон тизимини жорий этишни;

в) 2020 йил 1 декабрга қадар:

шаҳар автобуслари (кейинги ўринларда – автобуслар) салонларида бекатларни автоматик равишда эълон қилиб бориш тизимини жорий этишни;

йирик автобус бекатларида йўналишлар ҳаракати жадвали ва автобуснинг етиб келиш вақтини кўрсатиб турувчи электрон-ахборот таблолар билан жиҳозлашни таъминласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ва “Тошкент метрополитени” УК билан биргаликда илғор ҳалқаро тажриба асосида хорижий консультантларни жалб этган ҳолда 2021 йил якунига қадар 2020-2030 йилларда Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош режасини ишлаб чиқсин, бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

йўловчи ташиш жараёнларини бошқаришда ракамили технологияларни қўллаган ҳолда Тошкент шаҳри транспорт тизимининг иқтисодий-математик моделини яратиш;

шахсий автотранспортдан фойдаланишга муқобил сифатида шаҳар йўловчи транспорти самарадорлигини ошириш;

автобус саройлари ҳаракат таркибини янгилашда электр қуввати билан ишлайдиган, тасарруф этишда самарали ва атроф-мухитга зарари кам бўлган автобусларга босқичма-босқич ўтиш;

йўловчилар учун қулайликлар яратиш ва хизмат сифатини яхшилаш ҳамда шаҳар йўловчи транспорти қатнови ўртacha ҳаракат тезлигини ошириш;

велосипед ва бошқа моторсиз транспорт турларини ривожлантириш, “Bike Sharing” велопрокат тизимини жорий этиш;

йўловчиларни ташишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда транспорт воситаларининг тури, сони ва мақбул йўналишларини, мавсумийлик ҳамда иш ва дам олиш кунларини ҳисобга олган ҳолда танлаш.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2020-2030 йилларда

Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош режасини ишлаб чиқиш бўйича тармоқ жадвали тасдиқлансан.

9. Молиялаштириш манбалари этиб қуидагилар белгилансин:

транспорт ўтказгич боғланмаларини қуриш, шунингдек, 2020-2030 йилларда Тошкент шаҳрида транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш транспорт бош режасини ишлаб чиқиш – Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари;

мазкур қарорнинг 7-бандидаги белгиланган шаҳар йўловчи транспорти тизимини рақамлаштириш бўйича тадбирлар – “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ўз маблағлари;

20 та замонавий электробус ва қувватлаш ускуналарини харид қилиш – Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатини тақдим этмасдан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитлари.

10. Белгилансинки:

20 та замонавий электробуслар ва қувватлаш ускуналарини харид қилиш орқали Фарғона йўли кўчасида тезкор автобус ҳаракати қатнови (BRT) тизимини ташкил этиш бўйича тажриба лойиҳасини жорий қилинишида техник-иктисодий ҳисобларни ишлаб чиқилиши бир босқичда амалга оширилади;

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан жалб қилинаётган кредит маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича масъул қарз олувчи ва ижро органи ҳисобланади;

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан жалб қилинаётган кредит маблағларини қоплаш, фоизлар, комиссиялар ва жалб қилинаётган кредитларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан жалб қилинаётган кредитлар ҳисобига харид қилинаётган 20 та замонавий электробуслар ва қувватлаш ускуналари кафиллик ҳисобида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ мулки ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидағи ташкилотлар ҳаракат таркибини 2021-2023 йилларда янгилаш дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор халқаро тажрибани ўрганиб, йўлкирани тўлашда автоматлаштирилган тизимини қўллаган ҳолда шаҳар йўловчи транспортида такомиллаштирилган тариф тизимини жорий этишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Э.М.Ганиев ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А.Артиходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “16” мартағи 157-сон қарорига
1-илова-

**2020 йилда Тошкент шаҳрида транспорт-ўтказгич боғламаларини қуриш
РЕЖА ГРАФИГИ**

T/p	Транспорт-ўтказгич боғламалари номлари	Жойлашган манзили ва ҳудуд майдони	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
1.	“Туркистон”	Юнусобод тумани, Ахмад Дониш кӯчаси, 13-мавзе, 0,50 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил апрель 2020 йил май 2020 йил июнь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Юнусобод тумани ҳокимлиги (Р.Усманов), “Тоашаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
2.	“Буюк Ипак йўли”	Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кӯчаси, “Буюк Ипак йўли” метро бекати, 0,26 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), М.Улугбек тумани ҳокимлиги (Ш.Иргашев), “Тоашаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
3.	“Пахтакор”	Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кӯчаси, “Пахтакор” метро бекати, 0,45 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги (А.Тўхтаев), “Тоашаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
4.	“Чорсу”	Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кӯчаси, “Чорсу” бозори, 0,48 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил июнь 2020 йил июль	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги (А.Тўхтаев), “Тоашаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)

T/p	Транспорт-ўтказгич боғламалари номлари	Жойлашган манзили ва ҳудуд майдони	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
5.	“Беруний”	Олмазор тумани, Беруний ва Университет кўчалари кесиши масида, 0,36 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил июнь 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Олмазор тумани ҳокимлиги (Б.Рахмонов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
6.	“Чилонзор”	Чилонзор тумани, КАҲЙ ва Бунёдкор кўчаси кесиши масида, 0,32 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил июль 2020 йил август	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Чилонзор тумани ҳокимлиги (С.Махаметов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
7.	“Олмазор”	Чилонзор тумани, Гавҳар ва Бунёдкор кўчалари кесиши масида, 0,65 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил июль 2020 йил август	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Чилонзор тумани ҳокимлиги (С.Махаметов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
8.	“Қўйлик бозори”	Бектемир тумани, ТАҲЙ ва Фарғон йўли кўчаси кесиши масида, 0,75 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Бектемир тумани ҳокимлиги (Ш.Мамаджанов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
9.	“Чоштепа”	Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, “Чоштепа” метро бекати ёнида, 0,36 га	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Қуриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Сергели тумани ҳокимлиги (Б.Шамуратов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)

T/p	Транспорт-үтказгич боғламалари номлари	Жойлашган манзили ва худуд майдони	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижочилар
10.	“Кипчок”	Сергели тумани, Қипчоқ ва Мирзо Турсунзода кўчалари кесишмасида, 0,6 га	1. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши. 2. Куриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил июнь 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Сергели туман ҳокимлиги (Б.Шамуратов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
11.	“Сергели-7”	Сергели тумани, 7-мавзе, Мирзо Турсунзода ва Мехригийё кўчалари кесишмасида, 0,84 га	1. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши. 2. Куриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил июнь 2020 йил август 2020 йил сентябрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Сергели туман ҳокимлиги (Б.Шамуратов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
12.	“Чилонзор буюм бозори”	Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, “Чилонзор буюм бозори” АЖ автотурагоҳи, 0,46 га	1. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши. 2. Куриш. 3. Фойдаланишга топшириш.	2020 йил май 2020 йил июль 2020 йил август	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Чилонзор туман ҳокимлиги (С.Махаметов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)

Изоҳ:

1. “Кўйлиқ бозори” боғловчи бекатини лойиҳалаштириши ва қуриши Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Транспорт ва логистикани ривожлантириши жамгармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

2. Зарур ҳолларда, транспорт-үтказгич боғламалари қуриши параметрларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Тошкент шаҳрида йўловчиларни ташиида ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олиб ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “I6” мартдаги I57-сон қарорига
2-илова

**Тошкент шаҳрининг жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ**

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Янги линиялар фойдаланишга топширилиши ҳисобга олиниб ер усти йўловчилар ташиш транспорти йўналишлари тармоғини метрополитен билан интеграциялаш			
1.	<p>Метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ҳаракатини тақрорловчи йўналишлар тармоғини қайта кўриб чиқиш:</p> <p>1.1. 27 та автобус ва йўналишли такси йўналишларни оптималлаштириш, жумладан:</p> <p>9 та (26, 50, 52, 82, 95, 140, 151, 152, 61м);</p> <p>10 та (97, 71, 101, 20м, 27м, 80м, 40и, 62м, 134м, 90м);</p> <p>8 та (63, 72, 91, 93, 190, 77м, 167м, 192м).</p> <p>1.2. 4 та тақрорловчи автобус ва йўналишли такси йўналишларни ёпиш, жумладан:</p> <p>1 та (83м);</p> <p>3 та (9, 60, 24).</p> <p>1.3. 4 та янги автобус йўналишларни очиш, жумладан:</p> <p>2 та (“Юнусобод 9-мавзеси – Юнусобод 19-мавзеси”, “Юнусобод 6-мавзеси – Юнусобод 17-мавзеси”);</p> <p>2 та (“Ҳасанбой маҳалласи – Юнусобод метро бекати”, “Ғиштқўприк чегара ўтказиши пункти – Юнусобод метро бекати”).</p>	<p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p> <p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p>	<p>Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, Д.Дехканов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), “Тошкент метрополитени” УК (О.Худойкулов), Юнусобод тумани ҳокимлиги (Р.Усманов), Бектемир тумани ҳокимлиги (Ш.Мамаджанов)</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
2.	<p>Метрополитеннинг ер усти ҳалқа йўли (Кўйлиқ) йўналиши ҳаракатини такрорловчи йўналишлар тармоғини қайта кўриб чиқиш.</p> <p>2.1. 24 та автобус ва йўналишли такси йўналишларни оптималлаштириш, жумладан:</p> <p>14 та (23, 117, 155, 45, 110, 9и, 16м, 18м, 24м, 25м, 47м, 136м, 163м, 170м);</p> <p>9 та (119, 30, 55м, 61м, 88м, 99м, 111м, 137м, 190м);</p> <p>1 та (23м).</p> <p>2.2. 2 та такрорловчи автобус ва йўналишли такси йўналишларни ёпиш, жумладан:</p> <p>1 та (72м);</p> <p>1 та (15).</p> <p>2.3. 1 та янги етказиб чиқувчи йўналиш очиш (<i>Олтин топган маҳалласи – Кўйлиқ бозори</i>).</p>	<p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p> <p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p>	<p>Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, Д.Деканов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), “Тошкент метрополитени” УК (О.Худойкулов), Бектемир тумани ҳокимлиги (Ш.Мамаджанов), Яшнобод тумани ҳокимлиги (Х.Тиллашайхов)</p>
3.	<p>Метрополитеннинг Сергели йўналиши ҳаракатини такрорловчи автобус ва йўналишли такси йўналишлар тармоғини қайта кўриб чиқиш:</p> <p>3.1. 15 та йўналишларни оптималлаштириш, жумладан:</p> <p>1 та (84);</p> <p>14 та (132, 48, 75, 32, 74, 62, 86, 66, 126, 59, 130, 8, 40, 26м).</p> <p>3.2. 4 та такрорловчи автобус йўналишларни ёпиш (105, 104, 113, 112).</p> <p>3.3. 1 та янги етказиб чиқувчи йўналиш очиш (<i>Металлургия заводи – Сергели 7-мавзеси</i>).</p>	<p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p> <p>2021 йил 1 апрелга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p>	<p>Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, Д.Деканов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), “Тошкент метрополитени” УК (О.Худойкулов), Сергели тумани ҳокимлиги (Б.Шамуратов), Учтепа тумани ҳокимлиги (Ф.Абдуллаев)</p>

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
II. Тошкент шаҳрида янги қурилаётган турар жой мавзелари ва ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини йўловчи транспорти йўналишлари билан таъминлаш			
4.	<p>Ўзаро параллел ва бир-бирининг ҳаракатини тақороловчи йўналишлар тармоғини қайта кўриб чиқиш:</p> <p>4.1. 65 та автобус ва йўналишли такси йўналишларни оптималлаштириш, жумладан:</p> <p>14 та (111, 123, 8T, 33, 49, 53, 94, 103, 124, 1m, 6i, 93m, 135m, 169m);</p> <p>17 та (38, 65, 98, 141, 120, 29m, 52m, 28m, 95m, 100m, 162i, 11m, 17m, 91m, 92m, 113m, 168m);</p> <p>34 та (13, 34, 78, 148, 150, 188, 2, 21, 89, 55, 69, 77, 83, 100, 134, 122, 17, 18, 56, 68, 88, 28, 31, 87, 76, 116, 74m, 76m, 191m, 36m, 114m, 17i, 188m, 12i).</p> <p>4.2. 4 та тақороловчи автобус ва йўналишли такси йўналишларни ёпиш, жумладан:</p> <p>1 та (173m);</p> <p>1 та (144);</p> <p>2 та (96, 20).</p> <p>4.3. 1 та янги етказиб чиқувчи йўналиш очиш (<i>Корақамиши 2/4-мавзеси – Беруний метро бекати</i>).</p>	<p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p> <p>2020 йил 1 июлга қадар</p> <p>2020 йил 1 октябрга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p> <p>2021 йил 1 январга қадар</p>	<p>Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, Д.Дехканов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликлари</p>
III. Йўловчи ташиш транспорти тизимининг иқтисодий-математик моделини ишлаб чиқиши			
5.	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Kalyon ılastırma muhendislik ve müsavirlik A.S.» (Туркия) инжинииринг компанияси ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали “2020-2030 йилларда Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш” бўйича транспорт бош режасини ишлаб чиқиш, бунда:		<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артихходжаев)</p> <p>Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев)</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>шаҳар транспортининг иқтисодий-математик моделини ишлаб чиқиш;</p> <p>йўловчи ташувларини бошқаршига рақамли технологияларни жорий этиши;</p> <p>маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш.</p>	<p>2021 йил 1 апрелга қадар</p> <p>2021 йил 1 декабрга қадар</p> <p>2020-2021 йилларда</p>	
IV. Имконияти чекланган фуқаролар учун тўсиқсиз муҳит яратиш, йўловчиларнинг бир транспорт туридан бошқасига ўтиш учун қулайликлар яратиш			
6.	Йўловчиларга бир транспортдан бошқасига қулай ўтиши учун шароитлар мавжудлиги юзасидан ер усти йўловчи транспорти йўналиши тармоғини метрополитен билан ўзаро боғлиқ ҳолда мақбуллаштириш, имконятлари чекланган фуқаролар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит таъминлашни инобатга олган ҳолда йирик бекатлар комплексларини хатловдан ўтказиш.	2020 йил май	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, И.Махкамов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиходжаев), “ТошкентбошпланЛИТИ” ГУП (Б.Адилходжаев), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев),
7.	Хатлов натижаларига кўра бекат комплексларини реконструкция қилиш бўйича намунавий лойиҳаларни назарда тутган ҳолда автобус бекат комплекслари ҳамда метрополитен бекатларига ўтиш жойларини реконструкция қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил 1 июлга қадар	“Тошкент метрополитени” УК (О.Худайкулов), Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликлари
8.	Имконияти чекланганлар харакатланиши учун тўсиқсиз муҳитни яратиш мақсадида шаҳар ва йўл-транспорт инфратузилмаси стандартларини жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва Тошкент шаҳрида халқаро тажрибани қўллаш бўйича Вазирлар Махкамасига қуидагилар кўзда тутилган таклифларни киритиш: <i>светофорларни овозли маёклар, пиёдалар ўтиши</i>	2020 йил 1 сентябрга қадар	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиходжаев), Курилиш вазирлиги (Б.Закиров), ИИВ (П.Бобоҷонов) Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, И.Махкамов),

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<i>жойларини маҳсус плитка билан жиҳозлаши ва бошқ.; ногиронлиги бўлган шахслар учун қулатликлар яратган ҳолда пандуслар, алоҳида жойлар, бекатлар ва йўналишини овозли тарзда эълон қилиши, электрон ахборот табло билан таъминлаши мақсадида жамоат транспортини маҳсус воситалар билан жиҳозлаши.</i>		“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), “Тошкент метрополитени” УК (О.Худайкулов)
9.	Шаҳарсозликни ривожлантиришни (<i>саноат ва турар жой қурилиши дастурлари ва лойиҳалари</i>) транспорт тизими қувватлари билан мажбурий уйғунлаштириш механизмини жорий этиш.	2020 йил 1 июлга қадар	Курилиш вазирлиги (Б.Закиров), Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиҳоджаев)

V. Йўлкира тўлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилиши муносабати билан шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг тариф сиёсатини такомиллаштириш

10.	Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қайишқоқ тариф режалари ҳисоб-китоби методикасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда келишиш.	2020 йил 1 майга қадар	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, И.Махкамов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиҳоджаев), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), “Тошкент метрополитени” УК (О.Худайкулов), “АТТО” МЧЖ (Т.Азадов)
11.	Қатнов масофаси, вақти ва бир транспортдан бошқасига ўтиш сонидан келиб чиқсан ҳолда табақалаштирилган тўлов тизими қўлланилиши ҳисобга олинган шаҳар йўловчи ташиш транспортининг тариф сиёсатини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил 1 июнга қадар	
12.	Тижорат банкларининг 1900 та ўзига ўзи хизмат кўрсатиш киоскалари орқали транспорт карталарини тўлдириш жараёнини ташкил этиш.	2020 йил 1 апрелга қадар	“АТТО” МЧЖ (Т.Азадов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
13.	“Humo” ва “Uzcard” NFC (Near-Field Communication) банк карталари орқали шаҳар йўловчи ташиш тарнспортида йўлкира тўловини қабул қилиш жараёнини ташкил этиш.	2020 йил 1 майга қадар	“АТТО” МЧЖ (Т.Азадов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
14.	Мобиль телефон кодининг NFC (Near-Field Communication) ва QR (Quick Response code) технологияси баённомаларидан фойдаланиб мобиль илова орқали тўлов жараёнини ташкил этиш.	2020 йил май	“АТТО” МЧЖ (Т.Азадов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
15.	Шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўлкира тўлаш учун VISA, MASTERCARD, UNIONPAY, MIR халқаро тўлов тизимларининг банк карталарини қабул қилиш жараёнини ташкил этиш.	2020 йил июнь	“АТТО” МЧЖ (Т.Азадов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
16.	Тошкент шаҳрида 15 та автоматлаштирилган транспорт карталарини сотиш учун ўзига ўзи хизмат кўрсатиш курилмаларини ўрнатиш.	2020 йил июль	“АТТО” МЧЖ (Т.Азадов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
17.	Контактсиз ахборот сақловчи воситалар (смарт соатлар, брелоклар, браслетлар ва бошқалар) орқали шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўлкирани қабул қилиш жараёнини ташкил этиш.	2020 йил июль	“АТТО” МЧЖ (Т.Азадов), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
VI. Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини рақамлаштириш			
18.	Автобуслар салонида бекатлар тўғрисида маълумот берувчи автоматлаштирилган тизимни жорий этиш.	2020 йил 1 декабрга қадар	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев, Д.Дехканов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
19.	Оралиқ бекатларда автобусларнинг ҳаракатланиш жадвали ва бекатга етиб келиш вақтини кўрсатиб борувчи электрон таблолар ўрнатиш.	2020 йил 1 декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев), “Тошшахартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
20.	Аҳолига шаҳар йўловчи ташиш транспортида юришни режалаштириш ва унинг иши тўғрисида бошқа фойдали маълумотларни олиш имконини берувчи “Менинг йўналишим” электрон тизимини жорий этиш.	2020 йил 1 октябрга қадар	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), “Тошшахартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)
21.	<p>Йўловчи ташиш жараёнини автоматлаштирилган бошқариш учун ситуациян марказни ташкил қилиш, бунда:</p> <p>йўловчи ташишни режалаштириш тизимини автоматлаштириш;</p> <p>йўловчи ташишнинг режалаштирилган вазифали бажарилишини назорат қилиш;</p> <p>йўловчи ташишнинг мунтазамлиги, тезлик меъёри ва ҳаракат жадвалига амал қилиниши устидан назорат тизими;</p> <p>ташиш жараёнини тезкор бошқариш (ҳаракат йўналишини ўзгартириш, эҳтиёж бўйича тифиз йўналишларга транспортни қайта йўналтириш);</p> <p>йўловчилардан транспорт хизматлари сифати оширилиши юзасидан таклифлар олиш имконияти бўлган ахборот тизимини назарда тутиш.</p>	2021 йил март	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), “Тошшахартрансхизмат” АЖ (А.Джураев)

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
VII. Шаҳар йўловчи ташиш транспорти учун устуворликни таъминлаш йўли билан “Тезкор автобус қатнови тизими (BRT)” тажриба лойиҳасини амалга ошириш			
22.	А.Темур хиёбони – “Компасс” савдо комплекс маркази (<i>Истиқбол, Фарғона йўли кўчалари орқали</i>) йўналиши бўйича алоҳида йўлакли тезюар “BRT” (Bus Real Tranzit) автобус йўналиши тажриба лойиҳасини амалга ошириш, алоҳида йўлак куриш ва йўлнинг тегишли худудларини реконструкция қилиш.	2020 йил 1 ноябрга қадар	Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Транспорт вазирлиги (А.Абдувалиев), “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК (Б.Адилходжаев), Тошкент шаҳар Миробод ва Яшнобод туманлари ҳокимлклари
VIII. Транспорт воситалари паркини замонавий, юқори самарали, қулай, хавфсиз ва экологик тоза техника билан янгилаш			
23.	Мавжуд автобус паркини босқичма-босқич юқори самарали ва атроф муҳитга зарари кам бўлган автобуслар ҳисобига янгилаш, шунингдек, имконияти чекланган фуқаролар учун қулай транспорт муҳити яратишни назарда тутувчи “2021-2023 йилларда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари харакатланадиган таркибини янгилаш дастури” лойиҳасини ишлаб чиқиши.	2020 йил 1 сентябрга қадар	Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), “Тошсаҳартрансхизмат” АЖ (А.Джураев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов)
24.	2020-2024 йилларда метрополитеннинг янги линиялари фойдаланишга топширилиши ҳисобга олинган ҳолда янги вагонларни харид қилиш ва фойдаланилаётганларининг бир қисмини модернизация қилиш орқали метрополитеннинг харакатланадиган таркибини янгилаш дастурини ишлаб чиқиши, бунда:	2020 йил 1 июлга қадар	“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ (Х.Хасилов), “Тошкент метрополитени” УК (О.Худайкулов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов),

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>48 та янги метро таркибларини харид қилиш, жумладан: <i>2020 йилда – 10 ма, 2021 йилда – 10 ма, 2022 йилда – 10 ма, 2023 йилда – 10 ма, 2024 йилда – 8 ма;</i></p> <p>64 та метро вагонларини капитал тиклаш ишларини амалга ошириш учун техник ва молиявий талаблар бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш, жумладан: <i>2020 йилда – 20 ма, 2021 йилда – 8 ма, 2022 йилда – 12 ма, 2023 йилда – 4 ма, 2024 йилда – 20 ма.</i></p>		“Тошкент шаҳар йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи” АЖ (Д.Дадаходжаев)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “16” марта 157-сон қарорига
3-илова

**Тошкент шаҳри жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурининг
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

T/р	Мақсадли параметрлар	Ўлчов бирлиги	Ҳаммаси	шу жумладан:			Кутилаётган натижа
				2020 йил 1 июлгача	2020 йил 1 октябргача	2021 йил 1 январгача	
1.	Шаҳар йўловчи ташиш транспорти йўналишларини оптималлаштириш (йўналиш масофасини қисқартириш ёки узайтириш, трассасини ўзгартириш)	дона	131	37	37	57	<p>1. Йўналишларнинг ўртача масофасини 19,8 км дан 15 км гача қисқартириш.</p> <p>2. Автобусларнинг ўртача ҳаракатланиш оралиқ вақтини 20-30 дақиқадан 10-12 дақиқагача камайтириш.</p> <p>3. Ер усти жамоат транспортининг бир кунлик босиб ўтадиган масофасини 37,6 минг км га камайтириш.</p> <p>4. Кунлик ёқилги ҳаражатини 13 минг литрга камайтириш.</p> <p>5. Атмосферага чиқариладиган заарли чиқиндиларни кунига 2,5 тоннага камайтириш;</p> <p>6. Ёқилги-мойлаш маҳсулотлари сарф-ҳаражатларини йилига 27,7 млрд сўм микдорида тежаш.</p> <p>7. Метрополитенданда кунлик йўловчилар оқимини 240 минг йўловчидан 500 минг йўловчигача кўпайтириш.</p> <p>8. 75 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган 6 та янги турар жой мавзесини мунтазам автобус йўналишлари қатнови билан таъминлаш.</p>
2.	Шаҳар йўловчи ташиш транспортининг бир-бирини такрорловчи ва самарасиз йўналишларни ёпиш	дона	14	3	5	6	
3.	Шаҳар йўловчи ташиш транспортининг янги йўналишларини очиш	дона	7	2	3	2	
4.	Транспорт-ўтказгич боғламаларини куриш	дона	12	1	11	-	
5.	Кунлик ёқилги ҳаражатларини қисқартириш	минг литр	12,7	-	-	13	
6.	Метрополитенда кунлик йўловчи айланмасини ошириш	минг литр	470,5	-	-	500	

*) – ҳозирда Тошкент метрополитенида кунлик йўловчи оқими 240,0 минг йўловчини ташкил этади.